

ПРЕСС-РЕЛИЗ

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан қурилишнинг асоси бўлган цемент маҳсулотини ишлаб чиқариш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилган. Айни пайтда мамлакатимизда цемент ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 31 та корхона мавжуд бўлиб, 2021 йилда цемент ишлаб чиқариш бўйича қувватлар 21,3 миллион тоннага етказилди.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йилда Республика бўйича жами 14,2 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган. Эътиборлиси, энг кўп цемент мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналардан бири “Қизилқумцемент” АЖ томонидан тайёрланган. Бу ерда ўтган йили жами 3 млн 666 минг тонна маҳсулот харидорларга етказилган. 2021 йилда янги қувватлар билан фаолиятини бошлаган Тошкент вилоятида жойлашган “Оҳангаронцемент” АЖ да эса 2,1 млн тонна цемент ишлаб чиқарилган. “Олмалик Тоғ-кон Металлургия Комбинати” АЖга қарашли Шеробод цемент заводидан 1,4 млн тонна, Жиззах цемент заводидан эса 850 минг тонна маҳсулот қурилиш майдонларига етказилган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1,6 млн тонна бўлган “Бекободцемент” АЖ томонидан йил давомида 968,2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган. Сермаҳсуллик бўйича Жиззах вилоятида ўз фаолиятини бошлаган “Хуакцин цемент Жиззах” МЧЖ ҳам қолишмайди. Корхонада ҳисобот даврида 1,6 млн тонна цемент тайёрланган.

Ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда мавжуд корхоналар томонидан 17,6 млн тонна цемент ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини 31 млн. тоннага етказиш кўзда тутилмоқда. Январь-апрель ойларида саноат корхоналари томонидан 2,9 млн. тонна цемент тайёрланган. Эътиборлиси, маҳаллий корхоналар томонидан асосан 400 ва 500 маркадаги цемент ишлаб чиқарилган. 1-чоракда биржа савдоларида бир тонна портленд цемент ўртача 555 минг сўмдан сотилган.

Мамлакатимизда қурилиш кўлами кенгайиб бораётгани туфайли йилдан-йилга қуйма ва темир-бетонларга бўлган ҳам талаб ошиб бормоқда. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда жами **706 та** темир-бетон корхоналари мавжуд бўлиб, уларнинг йиллик қуввати **6,5 млн куб метр**ни ташкил этади. Ушбу йўналишда энг йирик корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида жойлашган.

Маълумотларга кўра, Республикада энг йирик ишлаб чиқариш қувватига эга корхона бу "BINOKOR TEMIR-BETON SERVIS" МЧЖдир. Бу ерда йилига 411 минг 250 куб метр қуйма, 107 минг 880 куб метр темир-бетон маҳсулотлари тайёрланади. Кейинги ўринда Тошкент вилоятидаги "MOBILE

BETON SERVICE" МЧЖ ҳисобланади. Корхона йилига 365 минг куб метр қуйма бетон тайёрлаш имкониятига эга. Пойтахтимиздаги "DURABLE BETON" МЧЖ ҳам ушбу йўналишда энг илғорлардан бири саналади. Мазкур корхона томонидан ҳар йили 250 минг куб метр қуйма бетонлар қурилиш майдонларига етказиб берилади. Шунингдек, ҳудудда "SAFFIR QURILISH MONTAJ" МЧЖ (йиллик қуввати – 158,3 минг куб метр), "BETONOVAT" МЧЖ (йиллик қуввати – 12,6 минг куб метр), "RWS OPTIMUM" МЧЖ ХК (йиллик қуввати – 101,2 минг куб метр), "CHILONZOR BETON SAVDO" МЧЖ (йиллик қуввати – 83,3 минг куб метр) каби замонавий темир-бетон корхоналари мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган "KKRASI BETON" ХК ҳам ушбу йўналишда энг кўзга кўринган ишлаб чиқариш масканларидан бири. Бу ерда йилига 94,4 минг куб метр темир-бетон тайёрланади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси
Матбуот хизмати